

Бунда, уланган куввати 750 кВА ва ундан юкори бўлган тўловларни табакалаштирилган тарифда амалга оширадиган Истеъмолчилар бўйича энергия сарфи бўйича ҳисоботида ишлагилган электр энергия (актив ва реактив) тўлик ҳажмидан ташқари тингиз, ярим тингиз ва тунги пайтларда фойдаланилган энергия ҳажмлари алоҳида кўрсатилиши шарт.

3.6. Тарифлар ўзгарганда Истеъмолчи етказиб берилган энергия учун янги тарифлар киритилган кундан бошлаб янги тарифлар бўйича ҳақ тўлайди.

3.7. Энергия учун амалдаги тарифлар ўзгарган тақдирда, Корхона уларнинг кучга келишидан камида ўн беш кун олдин қарорни оммавий ахборот воситаларида эълон қилади.

Бунда электр энергияси учун тарифлар ўзгарган санадан қатъий назар, электр таъминоти шартномаси ўз кучида қолади ва истеъмолчи фойдаланилган электр энергияси учун янги тариф кучга кирган кундан бошлаб ҳақ тўлашга мажбурлиқ.

Тариф ўзгарган тақдирда, истеъмолчилар Энергия (шу жумладан, актив ва реактив энергия)нинг аване тариқасида тўланган ҳажми учун тўлов кунидан бошлаб кейинги 1 ойдан ортиқ бўлмаган муддатда қўшимча тўлов тўлашдан оқуд этилади.

Арифметик ҳатоликлар, тарифларни нотўғри қўлаш туфайли пайдо бўладиган кам ва ортиқча тўловлар тегишли тариф бўйича кВт соғиларда қайта ҳисоблаб чиқилади ва Корхона томонидан даъво муддати доирасида кўрсаткичлардаги таффовут ёки қўшимчалар билан биргаликда ҳисобга олинади.

3.8. Истеъмолчи энергияни етказиб бериш келгуси ҳисоб-китоб даври бошланишидан олдин энергиянинг шартномавий миқдори қиймати учун олдиндан юз фозлик (100%) ҳақ тўлаш асосида амалга оширилади. Бунда, ҳисоб-китобни 50 фоз олдиндан ҳақ тўлаш асосида амалга ошириш ҳоқошини билдирган истеъмолчилар ҳисоб-китоб амалга ошириладиган даврни кўрсатиб ҳисоб-китоб даври бошланишидан камида 5 кун олдин билдирги тартибда Бюрога муражаат қилганлари тақдирда 50 фоз олдиндан ҳақ тўлаш асосида етказиб берилишига йўл қўйилади. Олдиндан ҳақ тўламаган ҳамда 50 фоз олдиндан ҳақ тўлаётган истеъмолчилар томонидан ойнинг охиригача яқуний ҳисоб-китоб амалга оширилмаган ҳолларда мазкур истеъмолчига нисбатан электр тармоқларидан тўлик узингача бўлган қоралар кўрилади.

3.9. Истеъмолчи уланган қувватидан қатъий назар, яришто-актив ва майнинг соҳасида фаолиятни амалга оширган (турли криптовалюталарда янги бирликлар ва комиссия йиғимлари форматида муқофот олиш имконини берадиган тақсимлаш платформасини таъминлаш ва янги блоklar яратиш бўйича фаолият) фойдаланган электр энергияси учун тўловларни тегишли тариф гуруҳига асосан белгиланган тарифга нисбатан 3 баробар ўсувчи коэффициентта мувофиқ тўлайди. (Бўлар, *Вазирлар Маҳкамасининг 09.12.2019 йилдаги 979-сонли қарорига асосан мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан ушбу ўзгариш кучга киради*)

3.10. Корхона энергия сарфи тўғрисидаги ҳисобот асосида белгиланган тартибда ҳисоб-китобни амалга оширади ҳамда беш кун ичида тўлов амалга оширилиши лозим бўлган ҳисоб-фактура ва тўлов ҳисоб-варанини ёзиб беради.

Истеъмолчи турли тариф гуруҳларига тегишли бўлган бир неча объектга эга бўлса, ҳар бир тариф гуруҳи учун тариф сарфлаган ҳажми кўрсатилган ҳолда умумий ҳисоб-фактура ёзилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 25.06.2019 йилдаги 522-сонли қарорига мувофиқ Корхона томонидан маҳсус дастурий маҳсулот орқали ҳисоб-фактура ва тўлов ҳисоб-варанини электрон ҳисобварақ-фактура шакллантирилади ҳамда сотиб олувчи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган ҳолда электрон рақамли имзо билан тасдиқлаган ҳолда, оператор орқали роуминг операторига юборилади.

3.11. Ҳисобга олиш прибори ушбу Шартномага 4-иловага мувофиқ, электр тармоқларининг мансублик баланси бўйича масуллик чегараси доирасидаги ва томонларнинг эксплуатация жавобгарлиги асосида аниқланган электр тармоқнинг мансублик баланси чегарасида ўрнатилмаганда, чегарадан ҳисобга олиш прибори ўрнатилган жойгача бўлган участкада энергиянинг технологик сарфлигини ҳажми прибори ўрнатилган биргаликда ҳисоблаш йўли орқали аниқланади ва ушбу шартномага 5-иловага мувофиқ дололатномада кўрсатилади.

Бунда, 750 кВА ва ундан юкори қувватга уланган, табакалаштирилган тарифда тўловларни амалга оширадиган Истеъмолчи учун энергиянинг технологик сарфлигини ҳажми сўтканинг тингиз, ярим тингиз ва тунги пайтлари учун алоҳида аниқланиб, мутаносиб равишда ҳажми-олинган электр ҳажмининг тегишли пайтларига тўлов ҳажмини ёзиш учун қўшиб борилади.

3.12. Истеъмолчи энергиянинг сарфлигини тўғрисидаги ҳисоботни Шартномада кўрсатилган муддатда тақдим этмаган тақдирда, Корхона энергия истеъмолчининг шартномада қайд этилган миқдори бўйича ёки ўтган давр учун ҳақиқатдан истеъмол қилинган электр энергияси тўғрисидаги маълумотлар асосида тўлов ҳисоб-варанини ёзади ва Истеъмолчининг шахсий ҳисоб рақамида бу ҳақида тегишли белги қўйилади.

Бюро ҳисоблаш приборидан кўрсаткичларни назорат тартибда ёзиб олгандан кейин, Корхона амалда истеъмол қилинган электр энергияси учун қайта ҳисоб-китобни белгиланган тартибда амалга оширади.

3.13. Истеъмолчининг энергия ҳажмини тўлаш, реактив энергия компенсацияеи тарифга устамалар, шунингдек ҳисобга олинмаган энергияни, (ноқонуний фойдаланилган электр энергияси) қайта ҳисоб-китоби ва пеня бўйича қарзи бўлган тақдирда, унинг аване тўлови ҳисобга ўтказилган маблағлари қарзни қошлашга йўналтирилади ва аване тўлови (олдиндан ҳақ тўлаш) сифатида ҳисобга олинмайди.

Истеъмолчи томонидан Шартномада кўрсатилган электр энергияси ҳажмини тўлик истеъмол қилмаган тақдирда, аване тариқасида тўланган маблағлар қайтариб берилмайдди ва электр энергия учун кейинги ҳисоб-китобларда ҳисобга олинади.

Ҳисоб-китоб оиндан кейинги календар ой тугагач қарздорлик тўлов муддати ўтган деб ҳисобланади ва тўлов муддати ўтган ҳар бир кун тўлов муддати ўтган сумманинг 0,1 фозини миқдориди, электр энергияси маҳсус тартибда етказиб бериладиган қорхоналар учун эса 0,2 фозини миқдориди пеня ҳисобланади. Бунда пенянинг умумий миқдори, муддати ўтган тўловларнинг 50 фозидан ошмаслиги лозим.

3.14. Шартномада ҳисоб-китоб даври учун кўрсатилган энергия миқдоридан 5 фоздан ортиқ миқдорда энергия истеъмол қилганда, Истеъмолчидан Шартномада кўрсатилган миқдордан ортиқ ортиқ истеъмол қилинган энергияси ҳажми-ҳажми учун белгиланган тарифнинг 1,15 баравари миқдоридида тўлов ундирилади.

3.15. Истеъмолчи ва Корхона ҳар ойда, ҳисоб-китоб даври тамом бўлгандан кейин беш кун мобайнида ўзаро ҳисоб-китобларнинг таққослаш дололатномасини тузади.

3.16. Истеъмолчини қуйидаги ҳолларда электр тармоқларидан узилади: шартномавий мажбуриятлари бажарилмаганда; ҳисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилмаганлиги оқибатида фойдаланилган энергия учун қарздорлик мавжуд бўлганда;

Бюро талабномалари бажарилмаганда, шу жумладан, унинг вақилларига ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини олиш учун руҳсат этилмаганда;